

УЮШМАГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Собитхонов Дехқонбой Эркинжон ўғли

ИИБ Академияси 3-ўқув курси,

317 гуруҳ курсанти.

Аннотация. Мақолада уюшмаган ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси, уни амалга оширишнинг ўрни ва аҳамияти, қонунчилик нормалари асосида амалга оширилиши белгиланган вазифалар, шунингдек ушбу ушбу фаолият самарадорлигини янада ошириш юзасидан таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: уюшмаган ёшлар, ҳуқуқбузарлик, жиноят, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, таъсир чораси, ижтимоий ҳимоя, руҳий таъсир, жисмоний зўрлик ишлатиш, ҳимояланиш чоралари.

Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ушбу ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасидаги энг муҳим, самарали ва инсонпарвар йўналишлардан бири ҳисобланади. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ёшларда қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик муносабатини шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш (зарарсизлантириш), ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган уюшмаган ёшларни тарбиялаш, уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш ва шу каби бошқа чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар юзасидан Президентимиз ўзининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида қуйидагиларни айтиб ўтди, бугунги ёшларимизнинг овози, ғоя ва ташаббуслари, куч-ғайрати барча соҳа ва тармоқларга чуқур кириб бормоқда. Улар халқимизнинг неча йиллик орзу-армонларини реал ҳақиқатга айлантирмоқда. Ёшларимизнинг замонавий билим ва касб-хунарларни, она тили билан бирга чет тилларини пухта ўрганишлари учун имкониятлар тобора кенгайиб бормоқда. Бугун даврамызда саноат, сервис, қишлоқ хўжалиги, ИТ, илм-фан, маданият ва спортда катта ютуқларга эришаётган ўғил-қизларимизни кўриб турганимдан хурсандман.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (14.05.2014 й.) қонуннинг 6-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўрт тури: ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси, махсус профилактикаси, яқка тартибдаги профилактикаси ва виктимологик профилактикаси аниқ белгиланган.

Илмий-назарий адабиётларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари бўйича турлича фикр ва ёндашувлар илгари сурилган. Жумладан, Умуман олганда, илмий-назарий адабиётларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини турли мезонлар бўйича турларга таснифлаш кузатилади.

Жумладан, криминологияда жиноятчиликнинг олдини олишнинг икки тури фқарқланади. Шу сабабли уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларини ҳам тўртга: умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикага ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги қонун нормаларида ва илмий-назарий адабиётларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг бу тарика таснифланиши қандай мезонларга асосланган ҳолда амалга оширилгани аниқлаштирилмаган.

Назаримизда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жумладан уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларини таснифлашдаги асосий мезон – профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг хусусиятида намоён бўлади.

Қонун ҳужжатлари мазмуни ва тадқиқотчиларнинг тадқиқотларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг уч тури – умумий, махсус ва якка тартибдаги профилактикасини тавсифлашда ҳуқуқбузарлик содир этган, содир этишга мойил бўлган ва ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар профилактик таъсир кўрсатиш объекти сифатида олинadиган бўлса, виктимологик профилактикада ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши

мумкин бўлган ва жабрланувчига айланган шахслар профилактик таъсир кўрсатиш объекти ҳисобланади.

Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар тўғрисида сўз борганда, республикамизда ушбу

субъектлар доираси жуда кенг бўлиб, ўз ичига давлат органлари ва муассасалари (ички ишлар органлари, прокуратура органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш идоралари ва таълим муассасалари, адлия органлари ва бошқ.) ҳамда фуқаролик жамияти институтлари (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи бўлинмалари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро

комиссиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқ.)ни қамраб олади.

Ички ишлар органларининг уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи бўлинмаларини уларнинг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг хусусиятлари ва амалиёт таҳлилидан келиб чиққан ҳолда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) бевосита уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи бўлинмалар;

б) уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи бўлинмалар.

Ички ишлар органларининг уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бўлинмаларига Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўйича тегишли таркибий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари киради. Маҳаллаларда уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш таянч пунктлари профилактика инспекторлари, шунингдек Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари зиммасига юклатилган.

Ички ишлар органлари бир қатор соҳавий хизматлари, жумладан тергов аппаратлари, жиноят-қидирув хизмати, терроризм ва экстремизмга қарши кураш хизмати, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг бошқа йўналишлардаги бўлинмалари ўзларига юклатилган асосий вазифаларни амалга ошириш жараёнида уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этадилар.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ва ёшлар, хусусан уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини, бу борадаги кенг қўламли ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПФ-5005-сон (10.04.2017 й.) фармони билан фаолияти йўлга қўйилган туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиғи зиммасига юклатилган.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ва бошқа соҳавий хизматларининг ушбу соҳадаги фаолиятини уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари доирасида батафсил ёритишга ҳаракат қиламиз.

Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ушбу соҳадаги фаолиятнинг ажралмас қисми бўлиб, моҳиятига кўра уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишни назарда тутати. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур турини амалга оширувчи субъектлар доираси махсус, яқка тартибдаги ва

виктимологик профилактика сингари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан чегараланмаган.

Ш.А. Ганиев ўз тадқиқотларида ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси хусусида сўз юритиб, уни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш, ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш,

уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ҳамда бартараф этишга доир фаолияти

эканлигини таъкидлайди³⁴. Мазкур таърифда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига хос хусусиятлар, унинг таркибига кирувчи барча чора-тадбирлар ҳам ўз аксини топмаган, бинобарин ушбу фаолият мазмун-моҳиятига кўра янада кенг кўламга эга.

Ички ишлар органлари умумий профилактикасининг муҳим таркибий

қисми бўлган ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда: уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига тегишли давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар талабларини ижро этиб борадилар;

хизмат ҳудуди хусусиятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқиладиган шундай ҳудудий ва бошқа дастурларга таклифлар берадилар; ушбу жараёнга бошқа орган ва муассасаларни, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари

ва фуқароларни жалб этадилар. Шу ўринда бу борадаги амалиёт таҳлили уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли давлат даражасидаги, ҳудудий ва бошқа дастурлар етарли эмаслигини кўрсатади ҳамда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг муҳим чора-тадбирларидан бири – улар ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот бўлиб, амалиётда унинг турлича кўринишлари: маҳаллаларда уюшмаган ёшлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб бориш; уларнинг онгу шуурига қонунларга ҳурмат руҳини сингдириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ватанпарварликни тарғиб этишга қаратилган ташвиқот ишларини олиб бориш; турли масалаларда ички ишлар органларига мурожаат қилган ёшларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, қонуний йўл-йўриқ кўрсатиш орқали ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиши мумкин. Умуман олганда, ички ишлар органларининг ушбу йўналишдаги фаолияти ёшларнинг, хусусан уларнинг уюшмаган тоифаларининг онги ва шуурида қонун ҳужжатларига риоя этиш, уларни ҳурмат қилиш ва самарали қўлланишини таъминловчи муайян ижобий тасаввурлар, қараш ва қадриятларни шакллантириш мақсадида доимий таъсир ўтказиб боришда намоён бўлади.

Мазкур ҳуқуқий тарғибот тадбирлари жамиятда уюшмаган ёшлар қатлами кенгайишининг ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Жамиятда жиноятчилик хулқининг олдини олиш тадбирлари самарадорлиги, таъсирчанлиги, энг аввало, ўсмир шахсида ижобий фазилатларнинг, ижтимоий фойдали эҳтиёж ва қизиқишларнинг шаклланишига боғлиқ бўлади.

Шу маънода, ўқув-тарбиявий машғулотлар вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишнинг дастлабки профилактикасида муҳим ўрин тутди.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг яна бир чора-тадбири - ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда бу тўғрида тақдимномалар киритиш бўлиб, ички ишлар органлари бу борада: ҳар бир фаолият йўналишида уюшмаган ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаши ҳамда бартараф этиш чораларини кўриши; уларнинг иш ва фойдали меҳнат бандлигини таъминлашга кўмаклашиш; улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўладиган ва имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли орган, муассаса, корхона, ташкилот ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритиш чораларини кўриши лозим.

Бироқ бу борадаги амалиёт таҳлили ушбу соҳада муайян камчиликлар мавжудлигини, хусусан жойларда аксарият ҳолларда профилактика инспекторлари томонидан ваколати доирасида кўриб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича уларнинг сабаб ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш юзасидан тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот ва жамоатчилик тузилмаларига тақдимномалар киритилмай қолаётганини кўрсатмоқда. Шу боис бу борада тадқиқот олиб борган С.Б.Хўжакулов ҳам ички ишлар органларининг амалий фаолиятида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш етарли даражада йўлга қўйилмаган, деган хулосага келади.

Бугунги кунда содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича тақдимнома киритиш амалиётининг қай даражада қонунга мувофиқлиги борасида олимлар ва мутахассислар ўртасида баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 297-моддасида жиноят сабабларини бартараф этиш ва олдини олиш ҳақида тақдимнома киритиш тартиби белгиланган бўлиб, суд томонидан шахснинг ҳаракат ё ҳаракатсизлигига ҳуқуқий баҳо берилмай туриб, жиноятни келтириб чиқарувчи омиллар бартараф этилишининг сўралиши М. Маъмированинг фикрича, айбсизлик презиумпциясига зид ҳолатдир. Ў. Холмирзаев ҳам ушбу фикрга қўшилган ҳолда суд ҳукми бўлмасдан туриб жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишни сўраш нотўғрилигини таъкидлайди. Бу борадаги фикрга қўшилган А.

Абдуллаев амалиётда тергов органи томонидан тақдимнома тайёрланиб, тегишли идораларга юборилиб, уни тайёрлаган мансабдор шахс (терговчи) иштирокида жамоа олдидан муҳокама қилиш салбий ҳолатларга олиб келаётганини аниқ мисоллар билан асослашга ҳаракат қилади. Назаримизда, ушбу фикрларга қўшилиб бўлмайди, негаки тақдимномани киритишдан мақсад жойларда шахснинг хулқ-атворини муҳокама қилиш эмас, балки жиноят содир этилишига сабаб ва туртки бўлган омилларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган ёшлар, жумладан уларнинг уюшмаган тоифалари билан ишлашда ички ишлар органлари пробация бўлинмалари муҳим ўрин тутди. Бироқ илгари тизимда фаолият кўрсатган жазони ижро этиш инспекциялари томонидан қўлланилган ишдаги эскича ёндашув ва усуллар билан пробация бўлинмалари томонидан бу борадаги фаолиятни самарали ташкил этиб бўлмайди. Негаки, ҳозирги кунда олиб борилаётган ислоҳот талаблари ички ишлар органларининг ҳар бир шахсга, унинг хусусиятларидан келиб чиқиб, индивидуал ва дифференциал ёндашишини тақозо этмоқда.

Шундай экан, ички ишлар органлари пробация бўлинмалари назорати остидаги уюшмаган ёшлар билан ишлашда уларни «жиноят содир этиш хавфи юқорилар», «жиноят содир этишга мойиллар» ва «тузалиш йўлига ўтганлар» тоифаларига ажратиб, уларга фуқаролик жамияти институтлари вакиллари мураббий сифатида бириктирган ҳолда профилактик ишларни ташкил этиш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёшларни, айниқса уларнинг уюшмаган қисмини маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жараёнига жалб этиш улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда муҳим ўрин тутди. Негаки, бевосита ушбу жараёнга жалб этилган уюшмаган ёшларнинг, энг аввало, бандлиги таъминланиши, қолаверса онги ва шуурида жамият тинчлиги ва осойишталиги учун масъулият ҳисси шаклланиши боис ҳам уларнинг ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга қўл уришининг олди олинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/8440>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида химоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-996-сон қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини

хал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-209-сон Фармони.

4. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

5. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.

6. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

7. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

8. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.

9. Tashtemirov A., Po‘latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.

10. Таштемиров А., Нурматов Н. Айрим хорижий давлатларнинг тезкор қидирув фаолиятида соҳавий ҳамкорликнинг таҳлили //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 190-197.

11. Таштемиров А. А. и др. Зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ва ўзига хослиги //Innovative achievements in science 2024. – 2025. – Т. 4. – №. 37. – С. 82-90.

12. Tashtemirov A., Baxtiyorov S. Profilaktika inspektorining jinoyat ishlar bo‘yicha sudlar bilan hamkorligining o‘ziga xos xususiyatlari //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 38-42.

13. Таштемиров А. А. и др. Психологическая поддержка деятельности инспекторов профилактики в работе с лицами, осужденные к наказанию исправительные работы //International scientific research conference. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 97-102.

14. Tashtemirov A., Usmonova Y. Profilaktika inspektorining yashash manzillaridan uzoq muddatga ketgan shaxslar bo‘yicha ishlash faoliyatini huquqiy ta‘minlash //Наука и технология в современном мире. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 59-61.

15. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 42-48.

16. Таштемиров А. А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳукукий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.